

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI**

**O‘SH DAVLAT UNIVERSITETI**

**M. O. AUEZOV NOMIDAGI  
JANUBIY QOZOG‘ISTON UNIVERSITETI**



**CHDPU**  
CHIRCHIQ DAVLAT  
PEDAGOGIKA UNIVERSITETI



**GEOGRAFIYA FANIDA TIZIMLI YONDASHUV: NAZARIYA,  
EKSPERIMENT, AMALIYOT VA TA’LIM  
xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya  
MATERIALLARI  
(Chirchiq sh., 2025 yil 16-17 iyun)**



**МАТЕРИАЛЫ**

**международной научно-практической конференции  
СИСТЕМНЫЙ ПОДХОД В ГЕОГРАФИИ: ТЕОРИЯ,  
ЭКСПЕРИМЕНТ, ПРАКТИКА И ОБРАЗОВАНИЕ  
(г.Чирчик, 16-17 июня 2025 года)**

**Chirchik – 2025**

УДК 911  
ББК 26.8

**Tahrir hay’ati:**

Rajabov F.T., p.f.d., dotsent; Urazbayev A.K., g.f.d., professor;  
Abdimurotov O.U., p.f.f.d., dotsent; Qurbonov Sh.B., g.f.f.d., dotsent; Namozov J.A.,  
g.f.f.d., dotsent; Ibroimov Sh.I., g.f.f.d., dotsent; Djumabayeva S.K., p.f.f.d.

**Geografiya fanida tizimli yondashuv: nazariya, eksperiment, amaliyot va ta’lim.**  
Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari (Chirchiq, 2025 yil 16-17 iyun). - Chirchiq, 2025. – 286 b.

To’plamda Chirchiq davlat pedagogika universitetida 2025 yil 16-17 iyun kunlari bo’lib o’tgan “Geografiya fanida tizimli yondashuv: nazariya, eksperiment, amaliyot va ta’lim” Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya ishtirokchilarining ilmiy maqolalari chop etilgan. Konferensiya O’zbekiston Geografiya jamiyati, O’sh davlat universiteti va M.O. Auezov nomidagi Janubiy Qozog’iston universiteti bilan hamkorlikda o’tkazildi. Ma’ruzalar mavzulari O’zbekiston Respublikasi va xorijiy mamlakatlarda olib borilayotgan Geografiya fanida tizimli yondashuv: nazariya, eksperiment, amaliyot va ta’limning dolzarb muammolari va istiqbolli yo’nalishlarini muhokama qilish, tizimli yondashuv borasida tajriba almashish, iqtidorli yosh olimlarni istiqbolli ilmiy yo’nalishlarga jalb qilish bilan bog’liq.

To’plam geograf-mutaxassislar, talabalar, magistrantlar, o’qituvchilar, shuningdek, geografiya fani bo’yicha barcha qiziquvchilar uchun mo’ljallangan.

**Системный подход в географии: теория, эксперимент, практика и образование.**  
Материалы Международной научно-практической конференции (Чирчик, 16-17 июня 2025 г.). - Чирчик, 2025. – 286 б.

В сборнике опубликованы научные статьи участников Международной научно-практической конференции «Системный подход в географии: теория, эксперимент, практика и образование», прошедшей 16-17 июня 2025 года в городе Чирчике на базе Чирчикском государственном педагогическом университете. Конференция организована совместно с Географическим обществом Узбекистана, Ошским государственным университетом и Южно-Казахстанским университетом имени М.О. Ауэзова. Тематика докладов связана с обсуждением актуальных проблем и перспективных направлений системного подхода в географии: теории, эксперимента, практики и образования, проводимых в Республике Узбекистан и зарубежных странах, обменом опытом в области системного подхода, привлечением талантливых молодых ученых к перспективным научным направлениям. Сборник рассчитана для географов, студентов, магистрантов, преподавателей, а также всех интересующихся географией.

*Тўпламда берилган мақолаларнинг илмийлиги, мазмуни ва келтирилган статистик маълумотларнинг тўғрилигига муаллифлар масъул.*

To’plam Chirchiq davlat pedagogika universiteti Ilmiy-texnik kengash yig’ilishining 2025-yil — maydagi —sonli qaroriga asosan nashrga tavsiya yetilgan.

10. Urazbaev A. K. Shamuratova. N. T. Joniyev O. T. The Modern Delta Of The Amudarya River And Its Orderness Forms Of The Soil Cover Structure. // European Journal of Molecular & Clinical Medicine ISSN 2515-8260 Volume 07, Issue 03, 2020 SCOPUS.

## ТУПРОҚЛАР ГЕОГРАФИЯСИ ФАНИДА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР

Иброимов Ш.И.  
(ЧДПУ, Чирчиқ)

**Аннотация.** Ушбу мақолада тупроқлар географияси фанидаги тизimli ёндашувнинг қўлланилиши ва унинг ютуқлари ҳамда муаммолари ҳақида гап юритилади. Бу ёндашувда тупроқларнинг рельеф структуралари билан алоқадорлиги илк бор баён қилинади. Шу билан бир қаторда, мақолада тупроқларнинг рельеф элементлари билан алоқадорлигини тадқиқ қилишда рельеф пластикаси усулининг ижобий томонлари кўрсатилади. Тупроқлар географияси фанида тизimli ёндашувни қўлланилиши ўз навбатида Ер ресурсларидан тизimli фойдаланиш учун назарий асос бўлиб хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** тизimli ёндашув, тупроқ қопламанинг структураси, элемент, рельеф пластикаси, оқилона фойдаланиш, структура, тизим.

### Системный подход в географии почв: достижения и проблемы

**Аннотация.** В статье рассматривается применение системного подхода в географии почв, его достижения и проблемы. Этот подход впервые описывает взаимосвязь между почвами и структурами рельефа. В то же время в статье показаны положительные стороны метода рельефной пластики при изучении взаимосвязи почв с элементами рельефа. Использование системного подхода в науке географии почв, в свою очередь, служит теоретической основой системного использования земельных ресурсов.

**Ключевые слова:** системный подход, структура почвенного покрова, элемент, пластики рельефа, рациональное использование, структура, система.

### Systematic approach in soil geography: achievements and problems

**Abstract.** The article discusses the application of a systems approach in soil geography, its achievements and problems. This approach describes the relationship between soils and relief structures for the first time. At the same time, the article shows the positive aspects of the relief plasticity method in studying the relationship between soils and relief elements. The use of a systems approach in the science of soil geography, in turn, serves as a theoretical basis for the systematic use of land resources.

**Keywords:** systems approach, soil cover structure, element, relief plasticity, rational use, structure, system.

Табиий география фанида тизimli ёндашувнинг қўлланилиши натижасида академик В.Б.Сочава ўзининг “Геотизим таълимотига кириш” (1978) асарида геотизим таълимотини ишлаб чиқди. Тупроқлар географияси фани ҳам табиий география фанлар тизимида кирганлиги сабабли, бу фанда ҳам тизimli ёндашув кенг қўлланилиб келинмоқда. Тизimli ёндашувда структура таълимоти катта роль ўйнаганлиги сабабли, бу ёндашув асосида тадқиқот предмети бўлиб, тупроқ қопламанинг структураси ҳисобланади.

Тупроқ қопламанинг структурасини тадқиқ қилганда, биз тасниф бирликларидан ҳудуднинг бирликларига ўтамиз, яъни маълум бир ҳудуддаги турли шаклдаги тупроқ қопламанинг ареалларини тадқиқ қиламиз. Бошқача айтганда, кичик ҳудудлардаги тупроқ қопламанинг структурасининг вужудга келишида ва ривожланишида рельеф элементлари (баландликлар ва пастликлар) асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Генетик тупроқшунослик фанининг асосчиси В.В.Докучаев бир вақтнинг ўзида тупроқшунослик фанига асос солиши билан бир қаторда тупроқлар географияси фанига ҳамда тупроқ қопламанинг структураси таҳлимотига ҳам асос солди. В.В.Докучаев тупроқлар географияси бўйича бўлган тадқиқотларда тупроқларнинг рельеф элементлари билан алоқадорлигига катта аҳамият берди. У ўзининг “Жарлар ва унинг аҳамияти” номли асарида шундай деб ёзади: “Рельеф доимо ҳаракатда, шунинг учун ҳам у билан боғлиқ ҳолда табиатнинг бошқа компонентлари, шу жумладан тупроқ ҳам ўзгаради” (Докучаев, 1953). Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, В.В.Докучаев ўзининг мутахассислиги бўйича геоморфолог бўлганлиги учун ҳам тупроқларнинг рельеф элементлари билан бирикувига табиатшунос олимлар орасида илк бор эътибор берган.

Тупроқ қопламанинг структураси таълимотига В.В.Докучаевнинг шогирди Н.М.Сибирцев ҳам катта хисса қўшди. Н.М.Сибирцев 1899 йилда биринчи бўлиб, “Тупроқшунослик” дарслигини яратган олимдир. У тупроқнинг рельеф билан алоқадорлигини тадқиқ қилиш натижасида шундай хулосага келади: “Тупроқларнинг доғлари ва тасмалари ҳаммадан кўра рельеф доғлари ва тасмалари билан биргаликда бўлишининг оқибатлари”. Тупроқ қопламанинг структураси таълимотининг ривожланишида С.С.Неуструевнинг ҳам роли катта. У “Тупроқлар географияси” бўйича ёзилган биринчи дарсликнинг муаллифидир. У ўзининг 1915 йилда ёзган “Текислик ва тоғли мамлакатларнинг тупроқ комбинациялари” номли мақоласида тупроқ комбинациялари ҳақида илк бор фикр билдиради. Тупроқ комбинациялари деганда С.С.Неуструев тупроқларнинг рельеф билан бирикуви натижасида вужудга келадиган тупроқ комплексларини тушунади.

Тупроқ қопламанинг структураси таълимотининг ривожланишига “Ландшафтлар геокимёси” фанининг асосчиси академик Б.Б.Полинов (1953) ҳам катта хисса қўшди. Олим табиатдаги “Элементар ландшафт” гуруҳларини ажратишда тупроқларнинг бир хиллигини ва уларнинг ўзига хос тупроқ комбинацияларини ҳосил қилишини асос қилиб олади. Олим ажратган элювиаль, транс-элювиаль, суперакваль ва акваль элементар ландшафт гуруҳларида тупроқларнинг рельеф элементлари билан бирикуви бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Тупроқ қоплами структурасининг таълимотини назарий ишлаб чиқишда М.А.Глазовскаянинг роли ҳам катта. У ўзининг “Тупроқ-геокимёвий бирикувларининг турлари” (1969) номли мақоласида тупроқ қопламанинг структураси ҳақида шундай деб ёзади: “Ер тупроқ қопламанинг структураси – бу тупроқларнинг рельеф элементлари билан бирикувидир”. В.В.Докучаевнинг тупроқлар географиясидаги рельефнинг роли ғоясини давом эттириб, М.А.Глазовская фақат рельефга эмас, балки унинг элементларига (баландлик ва пастликлар) ва шаклларига катта урғу беради ҳамда булар натижасида тупроқ қопламанинг структураси шаклланади деган хулосага келади.

Агар “Тупроқ қопламанинг структураси” таълимотининг баъзи бир асослари В.В.Докучаев ва Н.М.Сибирцевларга тегишли бўлса, аммо таълимотнинг назарияси ва методологияси тўғридан-тўғри В.М.Фридланд номи билан боғлиқдир. В.М.Фридланд (1972) ўз асарининг бошланғич қисмида Б.Расселнинг куйидаги сўзини “Структура доимо муносабатни тақозо қилади, оддий синф (контур) шу ҳолича структурага эга эмас” эпиграф сифатида келтиради, яъни структура маълум бир объектнинг элементлари ўртасидаги муносабатларни тақозо қилади. Мисол учун, дельта геотизимларининг ўзанбўйи баландликларида ўтлоқ-тақирли тўқай автоморф режимидаги тупроқлар тарқалган бўлса, ўзанлараро пастликларда эса гидроморф режимидаги ўтлоқи тупроқлар ва ҳар хил шўрхоқлар бўлади. Ана шунинг учун ҳам ўзанбўйи баландликлардаги автоморф тупроқлар ўзанлараро пастликлардаги гидроморф тупроқлари билан ўзаро алоқадорликда бўлганлиги ўзига хос муносабатни, яъни структурани ҳосил қилади. Тупроқ қоплами структурасининг таълимоти гарчи В.М.Фридланднинг номи билан боғлиқ бўлса ҳам, аммо тупроқ қопламанинг структурасини карталаштириш муаммолари И.Н.Степанов номи билан боғлиқдир. Бизга маълумки, барча дала тадқиқотлари топографик карталар

негизда олиб борилади. Ана шунинг учун ҳам И.Н.Степанов топографик карталар асосида рельеф пластикаси усулини ишлаб чиқди. И.Н.Степанов (1986) “Дунё тупроқларининг шакллари” номли асарида рельеф пластикаси усули асосида дунё тупроқларининг шакллари таҳлил қилади. Бу асарда олим тупроқ қопламанинг структураси таълимотида кўп ишлатиладиган элемент, структура, педотизим, алоқадорлик, “шоҳланувчи” шакл, муносабат, қонуният ва симметрия тушунчаларига алоҳида эътибор беради. И.Н.Степанов тупроқ карталарида тупроқ қоплами структурасининг ҳақиқий шакллари кўрсатиш билан бир қаторда, бу карталарнинг амалий аҳамияти ҳақида ҳам фикр юритади, яъни тупроқ контурлари тўғридан-тўғри рельеф структурасининг контурлари билан бириккан ҳолда табиатда учрайди.

Н.А.Лошакова (1988) ўзининг тадқиқотларида Москва ва унга туташ вилоятларнинг тупроқ қопламанинг структурасини тадқиқ қилганда баландликларда рельефнинг учта элементини ажратишни таклиф қилади, яъни сув айирғич, сув айирғичнинг ёнбағирлари ва пастликлар. Муаллиф тадқиқотларни олиб боришдан аввал ҳудуднинг 100 000 масштаби рельеф пластикаси картасини тузади ва шу асосида дала тадқиқотларини олиб боради. Бу ҳудудларда рельефнинг элементлари яхши тасвирланганлиги учун тупроқларнинг рельеф структураси билан алоқадорлигини тадқиқ қилиш ижобий натижаларга олиб келди.

Ф.И.Хакимов (1995) ўзининг “Арид ҳудуддаги дельталарда Ер юзи билан боғлиқ ҳолда тупроқларнинг ҳосил бўлиши ва тузларнинг тўпланиши” номли докторлик диссертациясида тупроқларнинг ҳосил бўлиши ҳамда улардаги шўрланиш жараёнларини тадқиқ қилишда рельеф пластикаси усулини қўллайди. Шу билан бир қаторда, Ф.И.Хакимов тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини ҳисобга олган ҳолда Ерларни ўзлаштиришни кичик дельталарнинг юқори қисмидан бошлаб қуйи қисми томон тизимли олиб боришни таклиф этади.

Б.Б.Полинов томонидан ишлаб чиқилган “Ўзаро боғлиқ” таҳлили айниқса дарё ёки коллектор ҳавзаларидаги тупроқларнинг рельеф элементлари билан бирикувини тадқиқотида катта илмий аҳамиятга эга. А.К.Уразбаев (2002) кўп йиллар давомида Амударё ҳозирги дельтасининг коллектор ҳавзаларида олиб борган тадқиқотлари тупроқларнинг рельеф элементлари ва структуралари билан бирикувини дала маълумотлари асосида исботлади. Ана шунинг учун ҳам Б.Б.Полиновнинг табиатда ажратган “Элементар ландшафт” гуруҳлари ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос тупроқ қопламанинг структурасини тадқиқ қилишда илмий асос бўлиб ҳисобланади.

О.Т.Жониев (2024) ўзининг илмий ишида Амударё ҳозирги дельтаси суғорилмайдиган ҳудудларининг тупроқ қопламанинг структурасини рельеф пластикаси усули асосида тадқиқ қилди. Муаллифнинг ёзишича, дельта геотизимларининг суғорилмайдиган ҳудудларида тупроқ қопламанинг структураси энг авваламбор кичик дельталарнинг дарахтсимон структураси билан боғлангандир. Шу билан бир қаторда тупроқ қопламанинг структураси Орол денгизининг қуриши натижасида рўй бераётган салбий жараёнлар тўғридан-тўғри кичик дельталардаги тупроқ қопламанинг структурасига таъсир этмоқда, яъни рўй бераётган чўлланиш жараёнлари кичик дельталарнинг дарахтсимон структураси билан чамбарчас боғлангандир. Бошқача сўз билан айтганда, О.Т.Жониев, В.М.Фриланднинг “Тупроқ қопламанинг структураси” таълимоти асосида Ўзбекистонлик географлар орасида илмий иш олиб борган биринчи тадқиқотчидир. Умуман олганда, “Тупроқ қоплами структураси” таълимоти Ер ресурсларидан оқилона фойдаланишда назарий асос бўлиб ҳисобланади, яъни ҳар қандай кичик ҳудудларда тупроқ қопламанинг структураси рельеф элементлари билан бириккан бўлади.

Ш.И.Иброимовнинг (2023) илмий иши гарчи “Тупроқ қоплами структураси” таълимотига бағишланмаган бўлса ҳам, у коллектор ҳавзаларининг парагенетик ландшафт комплексларини тадқиқ қилганда тупроқларнинг элементар ландшафт гуруҳлари билан бирикувига алоҳида эътибор берди. Муаллифнинг ёзишича, коллектор ҳавзаларида тупроқ

копламининг структураси рельеф элементлари билан бириккан бўлса, тупроқ қоплами структурасининг мелиоратив ҳолати эса элементар ландшафт гуруҳлари билан бириккан бўлади. Бошқача сўз билан айтганда, дельта шароитида тупроқ қопламининг структурасига нисбатан тупроқ қоплами структурасининг мелиоратив ҳолати ўзгарувчандир. Биз тупроқларнинг мелиоратив ҳолати деганда, асосан уларнинг шўрланиш даражасини тушунамиз. Олиб борган тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, коллектор ҳавзаларида тупроқ қоплами струкутрасининг ўзгаргани каби, уларнинг мелиоратив ҳолати ҳам тизимли ўзгаради. Коллектор ҳавзаларидаги тупроқ қоплами структурасининг мелиоратив ҳолатини тадқиқ қилганда Б.Б.Полиновнинг “Геохимёвий ландшафт” таълимоти ҳам алоҳида ўрин тутати, яъни тупроқ қоплами структурасининг мелиоратив ҳолатини тадқиқ қилишда кимёвий элементларнинг “Геохимёвий ландшафтларда” миграциясини тадқиқ қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ана шунинг учун ҳам биз ўз тадқиқотларимизда тупроқ қоплами структурасининг мелиоратив ҳолатини тадқиқ қилганда кимёвий элементларнинг миграциясига ҳам алоҳида эътибор бердик. Кимёвий элементларнинг миграциясини тадқиқ қилишда “Рельеф пластикаси” карталарида кўрсатилган суперакваль элементар ландшафтлари ҳам алоҳида ўрин тутати, яъни кимёвий элементлар доимо суперакваль элементар ландшафти томон ҳаракат қилади. Умуман олганда, тупроқ қопламининг структурасини тадқиқ қилганда тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини ҳамда уларнинг геохимёсини тадқиқ қилиш ҳам катта илмий аҳамиятга эга.

Тизимли ёндашув асосида яратилган “Тупроқ қоплами струкутраси” таълимоти бўйича олиб борган тадқиқотларни таҳлили қуйидаги ҳулосаларга олиб келди: 1. Тупроқ қоплами структураси таълимотининг негизида В.В.Докучаевнинг “Дашт” зонасида тупроқларнинг рельеф элементлари билан алоқадорлигини тадқиқ қилиши асосий ўрин эгаллайди; 2. Тупроқ қопламининг структурасини “Тизимли ёндашув” асосида олиб борилган барча тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу тадқиқотларда асосий объект бўлган тупроқ қоплами структурасининг рельеф элементлари билан алоқадорлиги тадқиқ қилиш катта аҳамиятга эгадир; 3. Тизимли ёндашув асосида вужудга келган “Педотизим”ни тадқиқ қилишда рельеф типлари эмас, балки рельеф структураси асосий роль ўйнаган; 4. Тупроқлар географиясида асосий категорияси “тизим” эмас, балки “струкутура” категорияси ҳисобланади. Ана шунинг учун ҳам барча тадқиқотларда ҳар хил объектларнинг “Тупроқ қопламининг структураси” “Тизимнинг умумий назарияси” негизида тадқиқ қилинган.

Тупроқлар географияси фанида тизимли ёндашувнинг қўлланилиши натижасида ижобий ютуқлар билан бир қаторда муаммолар ҳам мавжуддир. Бу фаннинг олдида турган муаммоларга қуйидагилар киради: 1. Энг авваламбор тупроқларнинг рельеф элементлари билан бирикканлигини ҳисобга олган ҳолда объектларнинг ҳар хил масштабдаги рельеф пластикаси карталари тузилиши лозим; 2. Рельеф пластикаси карталарида Б.Б.Полиновнинг “Геохимёвий ландшафт” таълимоти асосида ажратилган элементар ландшафт гуруҳлари кўрсатилиши керак; 3. Дала тадқиқотларида топографик карта, рельеф пластикаси ҳамда элементар ландшафт гуруҳлари карталари асос ролини ўйнаши керак; 4. Тузилган “Тупроқ қоплами структурасининг карталари” Ер ресурсларидан оқилона фойдаланишда асосий манба ролини бажариши керак; 5. Барча тадқиқотлар иложи борида дарё, кўл ва коллектор ҳавзалари асосида олиб борилиши лозим. Бу эса ўз навбатида табиий ресурслардан “Ҳавзавий” концепция асосида фойдаланишга негиз яратади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Глазовская М.А. Типы почвенно-геохимических сопряжений // Вест. МГУ. -Сер. 5.- Геогр. -1969. -№5. -С. 3-12
2. Докучаев В.В. Избранные труды. -М.: Изд-во АН СССР, 1953. -Т. 7.-504 с.

3. Жониев О.Т. Чўлланиш жараёнида Амударё ҳозирги дельтаси тупроқ қоплами структурасининг трансформацияси ва уларни карталаштириш. Геогр. фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати Самарқанд. 2024. 44 б.
4. Иброимов Ш.И. Амударё ҳозирги дельтасининг дарахтсимон ва паразитик ландшафт комплекслари Геогр. фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати Самарқанд. 2023. 44 б.
5. Лошаков Н.А. Использование метода пластики рельефа для составления и анализа почвенных карт: Автореферат диссертации на соискатель учёного степени кандидат биологических наук. -Новосибирск. -1988. -16с.
6. Плынов Б.Б. Учение ландшафтах. Избранные труды. -М.: Изд-во АН СССР, 1956.-751 с.
7. Сочава В.Б. Введение в учение о геосистемах – Новосибирск: Наука, 1978. -320 с.
8. Степанов И.Н. Формы в мире почв. -М.: Наука, 1986. -192 с.
9. Уразбаев А.К. Системная организация природно-мелиоративных условий современной дельты Амударьи. Автореферат диссерт. на соиск. уч. степени докт. геогр. наук. – Ташкент, 2002. -48 с.
10. Фридланд В.М. Структура почвенного покрова М.: Мысль, 1972, -424 с.
11. Хакимов Ф.И. Почвообразование и соленокопление в дельтах аридных областей в связи со структурой их поверхности Дис-я в виде научного доклада на соиск. уч. степени доктора биологических наук. Пушкино. 1995. -62 с.

## СИСТЕМНЫЙ ПОДХОД В ФИЗИЧЕСКОЙ ГЕОГРАФИИ И ЕГО РОЛЬ В ИЗУЧЕНИИ ОБЪЕКТА КАК ГЕОСИСТЕМА

Курбаниязов А.К.

(Международный университет туризма и гостеприимства г.Туркестан, Казахстан)

**Аннотация:** В статье рассматривается возникновение системного подхода в физической географии и его перспективы. Описаны две группы системного подхода и их положительные стороны. В этой связи особое внимание уделяется функционально-целостному подходу. При этом функционально-целостный подход уделяет большое внимание роли стоков, которые в свою очередь, играют роль границ геосистем. Научно освещена роль карты пластика рельефа в выделении геосистем на картах.

**Ключевые слова:** геосистема, системный подход, структура, элемент, сток, граница геосистемы, карта пластика рельефа

**Табиий географияда тизимли ёндашиш ва уни геотизим сифатида ўрниши.**

**Аннотация:** Бу мақолада табиий география фанида тизимли ёндашувнинг вужудга келиши ва унинг истиқболлари ҳақида сўз юритилади. Тизимли ёндашувнинг икки гуруҳи ва унинг ижобий томонлари баён қилинади. Бу ўринда айниқса функционал-яхлитлик ёндашувигв катта эътибор берилади. Шу билан бир қаторда, функционал-яхлитлик ёндашувида Ер усти сув оқимларининг ролига катта эътибор берилиб, улар ўз навбатида геотизимларининг чегара ролини ўйнайди. Геотизимларни карталарда ажратишида рельеф пластикаси карталарининг роли илмий ёритилади.

**Калим сўзлар:** геотизим, тизимли ёндашув, структура, элемент, Ер усти сув оқимлари, геотизим чегараси, рельеф пластикаси картаси.

**Systemic approach in physical geography and its role in studying an object as a geosystem**

**Abstract:** The article discusses the emergence of a systems approach in physical geography and its prospects. Two groups of systems approach and their positive aspects are described. In this regard, special attention is paid to the functional-holistic approach. At the same time, the functional-holistic approach pays great attention to the role of drains, which in turn play the role of geosystem boundaries. The role of the relief plastic map in identifying

**МУНДАРИЖА:  
ОГЛАВЛЕНИЕ:**

|                                                                                                                                                                        |     |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>SO‘ZBOSHI</b>                                                                                                                                                       | 3   |
| <b>I SHO‘BA. TABIIY GEOGRAFIYA FANIDA TIZIMLI YONDASHUVNING NAZARIY MUAMMOLARI</b>                                                                                     | 5   |
| <b>Аббасов С.Б.</b> Самарқанд географлар мактаби тарихи ва истиқболлари                                                                                                | 5   |
| <b>Alimkulov N.R., Alikulova M.M.</b> Jizzax viloyati yer resurslarining meliorativ tahlili va ularni yaxshilash masalalari                                            | 7   |
| <b>Ахмадалиев Ю.И.</b> Ўзбекистоннинг табиий география фанида тизimli ёндашув ва унинг ривожланишида А.К.Уразбаевнинг роли                                             | 12  |
| <b>Боймирзаев К.М.</b> Фарғона водийси ландшафтларининг вертикал табақаланишидаги экологик муаммоларини баҳолаш ва уларни муҳофаза қилиш                               | 16  |
| <b>Joniyev O.T.</b> Amudaryo hozirgi deltasini sug‘orilmaydigan hududlarining tuproq qoplamining strukturasi transformatsiyasi                                         | 23  |
| <b>Иброимов Ш.И.</b> Тупроқлар географияси фанида тизimli ёндашув: ютуқлар ва муаммолар                                                                                | 27  |
| <b>Курбаниязов А.К.</b> Системный подход в физической географии и его роль в изучении объекта как геосистема                                                           | 31  |
| <b>Mirzamahmudov O.T.</b> Farg‘ona vodiysi adirlari tabiatining antropogen o‘zgarishi                                                                                  | 35  |
| <b>Нигматов А.Н.</b> Систематизация географической науки                                                                                                               | 40  |
| <b>Сабитова Н.И., Абдуназаров У.К.</b> Поточковые структуры при изучении динамики оползневых процессов Узбекистана                                                     | 48  |
| <b>Тасболат Б.</b> Картографическое районирование селевого риска (на примере горных и предгорных районов Юго-Восточного Казахстана)                                    | 53  |
| <b>Уразбаев А.К.</b> Коллектор хавзаларини геотизим сифатида тадқиқ қилишнинг ютуқлари ва муаммолари                                                                   | 57  |
| <b>Уразбаев А.А.</b> Дельта геотизимларининг табиий-хўжалик тизимлари ва тадқиқ қилишнинг методикаси                                                                   | 62  |
| <b>Urazbayev A.K., Boltayev M.J., Tursunboyeva Yu.A.</b> Tabiiy geografiya fanidagi ilmiy maktablar va ularning fanga qo‘shgan hissalari                               | 67  |
| <b>Хакимов О.Н.</b> Дельта геотизимларидаги лито-морфо-педогенез жараёнининг яхлитлиги ҳақидаги таълимот ва унинг рельеф структурасини тадқиқ қилишдаги роли           | 71  |
| <b>Xakimov M.M.</b> Farg‘ona vodiysi daryo havzalari landshaftlarining barqaror rivojlanishini tadqiq etishning uslubiy jihatlari                                      | 77  |
| <b>Xodjimatomov A.N., Yarashev Q.S., Xolmurodov Sh.A.</b> Sangzor havzasi landshaftlarini rekreatsiya maqsadida baholashda tizimli yondashuvning o‘rni                 | 85  |
| <b>II SHO‘BA. GEOEKOLOGIYA VA LANDSHAFTLAR EKOLOGIYASIDA TIZIMLI YONDASHUV: YUTUQLAR VA MUAMMOLAR</b>                                                                  | 91  |
| <b>Шарипов Ш.М.</b> Ландшафт термини ва ландшафт компонентлари ҳақида                                                                                                  | 91  |
| <b>Shokirov A.A.</b> Ekologik karkas va tabiat karkasi tushunchalar tahlili                                                                                            | 93  |
| <b>III SHO‘BA. IQTISODIY VA IJTIMOIIY GEOGRAFIYADA TIZIMLI YONDASHUV: KECHA, BUGUN VA ERTAGA</b>                                                                       | 97  |
| <b>Alimkulov N.R., Baratova D.N.</b> Sirdaryo viloyatining turistik-rekreatsion salohiyati, uning hududiy tarkibi va hozirgi holati                                    | 97  |
| <b>Jumayev T.J., Qurbonov Sh.B., Kaipov K.K.</b> Yangi O‘zbekiston: taraqqiyot strategiyasi va iqtisodiy geografiya istiqbollari. taraqqiyot strategiyasining hududiy- | 101 |